



Хонлар замонида кози, муфти, имом, мударрис ва бошқалар-ни козикалон ва, ёинки, ушбу холда исломнинг давлат ва маъ-рифатида хонлар насаб ва тайин этар эди. Албатта, истеъдод ва қобилияти илмияларини мулоҳазага олинур эди. Шул сабабли жохил ва қамил кишиларни мансабга ўлтурушлари оз ва, бал-ки, йўқ ҳукминда эди. Туркистон Русияга тобе бўлгандан сўнгра янги (положения) закўн жорий бўлди. Ва ул положенияга, ма-нимча, ҳукуматнинг миссионерлари аралашиб, бизни ахлоқ ва адаб ва шариати муқаддасимизга ҳалал келтиратургон ва бизни йўқ бўлмоғда судрайдурган боблар тузатдилар.

Миссионерлар тарафидан бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шариати муқаддасимизни ҳукдан қолишини хоҳлайдурган эски ва мустабид ҳукумат тарафидан шундай закўнлар чиқарди-ки, масалан: «Хар бир 25 яшар туркистонлининг кози ва волост-ной бўлиши мумкин», деб закўн қўйилди. Кози ила волостной управителликка ҳеч бир илм-истеъдод шарт қилинмади. Муста-бид ва золим ҳукуматнинг максоди ҳукмронларнинг бу қилган жабрлари ўзлари учун энг яхши, биз, мусулмонлар учун энг жон-сиз ва ҳароблиги (юз) берди. Бу закўн бизга саводсиз қозиларни акча ва ришва ила сайланмоғига ёрдам этди. Нодон ва жохил кишиларни кози ва муфти бўлиш учун бу закўни замона ёрдам берар эди. Кози, муфти, мударрис ва ўзгалардан салоҳият бобин-да, илм ва истеъдод тўғрисида на шаходатнома сўралур эди, на-да имтиҳон қилинур эди.

Эски золим ҳукуматнинг иши ва дин бузғувчи одамлари ва миссионерлари мадрасаларимизни ва мактабларимизни тўғри-синда ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат

майдонига ҳам йўк ва махв бўлмиш чуқурига судрайдурган закўнлар вазх этдилар. Мадрасага ҳеч нима билмайдургон ёш талабаларни мударрисга сайлаб кўйиш тадбирини закўн килиб чиқардилар. Козилардек мударрисларга ҳам даражаи илмия ва салохияти тадриясидан сўрамок^ ва имтихон этмок йўк эди. Мударрис на таълим этар, на бошка-бошка ишларга назорат килур эди. Бир мадрасага ик-ки-уч мударрис лозимлигини вақф эгаси шарт килиб экан ҳамда вақфнинг шарти Худо ва расул амри ҳукминда эди. Миссионерлар ила бизнинг нафспараст баъзи уламоларимиз бул максад - закўндан моддан зиёда истифода этдилар. Уч-тўрт мударрис ўрнига бир мударрис кифоя, деб қарор бердилар.

Натижада уламо озайди. Ахлоқ бузилди, уламои мусулмонияга жохил ва хоин сарф-саводсиз кишилар кози бўлди. Тадрис ва афтодан ожиз кишилар муфти, мударрис бўлди. Бир мулла ҳам кози ва мударрис ва ҳам оксокол бўлиб, талаба, маориф ва аҳоли ишларини сактага учратди. Бошда тарафга карасак, кози ва мударрислик учун истеъдод томони бўлган уламоимиз оч юрадур. Ох, золим ҳукумат ва миссионерлар бизга налар килдилар!

Эски ҳукумат зоҳиран бизни маданий килмок учун «русский-туземный» исминда бизнинг учун мактаблар очиб, ўз фахмларича, бизни дунё ва охиратда некбахт, яъни насорат (христиан) килатургон миссионерларга топширдилар. Бу мактабларга зоҳиран мусулмон муаллими тайин этиб, анга 15 сўмдан 25 сўмгача вазифа берардилар. Албатта, бу пулга ҳеч муктадир киши муаллимлик килмас эди. Дигар тарафдан хуфя приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермокга ва бакадри имкон амри-ни зоих ва ўзини хайвон килмокга фармойиш киладилар.

Мадфун золим ҳукумат усули жадид мактабларига монеъ эди. Масалан, Хўжанднинг «Кисакўз» мавзеига Тўрахоновлар бир мактаб очди. Каттакўргоннинг Пайшанбасидаги русский-туземный мактабига муаллим бўлиб тургон Мулла Юнусни олиб бордилар. Аммо «адолатлик» Фаргона инспектори «сан самаркандлик» деб мактабдан қувиб юборди. Холбуки, Хўжанд Самарканд вилоятига тобедур. «Кисакўз» мактаби бир неча вақт маътал қолди. Бечора Хўжанд халки Тошканддан Муллажон исмли муаллимни келтурдилар. Яна илм-маданият ва инсониятнинг энг катъий душманидек ҳаракат этиб, Фаргона инспектори Муллажонни мактабдан қувди. Айби тошкандлик эмиш!

Бу тафтишлар устидан арз килатургон ер йўк эди. Бунга мадфун ҳукумат тарафидан булар шундай ишлар учун кўйилиб эдилар....

Алхамдулиллох, алхамдулиллох, қутулдук, уф!

Яшасун янги ҳукумат!

Махмудхўжа Бехбудий

«Нажот». 1917 йил 7 ноябрь. №18